

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
МИЛЛИЙ, УМУМИНСОНИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР
УЙЎНЛИГИ**

Тасимов Нурмахан Зоиржанович
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Малака ошириши
институтини Жанговар
тайёргарлик цикли катта
ўқитувчиси, майор
nurmax86@mail.ru
+99893-155-92-86

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада ички ишлар органлари ходимларини тайёрлашда миллий қадриятлар, урф одат ҳамда анъаналар, маданий мерос, маънавий қадриятларни ўрганиш орқали маънан етук ва фидойи ходимлар қилиб тарбиялаш масалалари ўрганилган. Мавзу доирасида миллий, умуминсоний ва ахлоқий қадриятлар уйғунлигини ўрганиш баробарида, қадрият тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти соҳа олимларининг айтиб ўтган фикрлари ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳамда ушбу тажрибалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон, урф одат, ислоҳот, маърифат, маданий мерос, қадрият, генезис, миллат, Ватан, ҳалоллик, ватанпарварлик, толерантлик, мафкура.

**ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ, ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ И
ПРАВСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ПОДГОТОВКЕ СОТРУДНИКОВ
ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье рассматриваются вопросы при подготовки сотрудников органов внутренних дел изучая национальные ценности, традиции и обычаи, а также вопросы воспитания духовно зрелых и самоотверженных сотрудников посредством изучение традиций, культурное наследия, духовных ценностей. В рамках темы было изучено и проанализировано изучение гармонии национальных, общечеловеческих и нравственных ценностей, понятие ценности, ее значение и сущность, а также разработаны рекомендации на основе этого опыта.

Ключевые слова: человек, традиция и обычай, реформация, просвещение, культурное наследие, ценность, генезис, нация, Отечество, честность, патриотизм, толерантность, идеология.

HARMONY OF NATIONAL, UNIVERSAL AND MORAL VALUES IN THE TRAINING OF EMPLOYEES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

ANNOTATION

This scientific article examines issues in the training of employees of the internal affairs bodies by studying national values, traditions and customs, as well as issues of educating spiritually mature and dedicated employees through the study of traditions, cultural heritage, and spiritual values. Within the framework of the topic, the study of the harmony of national, universal and moral values, the concept of value, its meaning and essence were studied and analyzed, and recommendations based on this experience were developed.

Keywords: man, tradition and custom, reformation, enlightenment, cultural heritage, value, genesis, nation, fatherland, honesty, patriotism, tolerance, ideology.

Дунёда, ўзаро рақобат, турли сиёсий, иқтисодий, ғоявий қарама-қаршиликлар ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда ёш авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Дунёдаги рақобатга бардошли, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлишга интилаётган ҳар бир халқ шу масалалар ҳақида жиддий ўйлади, бу борада амалий чораларни кўради. Акс ҳолда у ҳеч шубҳасиз, халқ ва миллат сифатида ўзлигини бой беради[1].

Маълумки, кадриятлар борасидаги қарашлар генезисини антик даврнинг фалсафасидан излаш ва топиш ўринлидир. Европа ҳамда жаҳон фалсафасида сезиларли даражада ном қолдирган барча мутафаккирлар «кадр», «кадрият», «кадрли» каби тоифаларга мурожаат қилиб, улардаги мавжуд ижтимоий мазмуннинг, инсонлар ҳаёти ва фаолияти билан бевосита тааллуқли бўлган жиҳатларни ёритганлар[2].

«Кадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилади»[3]. Кадриятлар жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга эга бўлган кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуасидир[4]. Бундан ташқари, «Кадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаблар ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча» ҳамда[5] тарихнинг синовларидан ўтиб, кадрли бўлган нарсалар кадриятга айланади. «Кадр» муайян кадриятнинг, яъни бирон-бир нарса, воқеа, ҳодиса ёки бирор идеалнинг инсон ва жамият учун кадри ва ижтимоий аҳамиятини англатадиган тушунчадир[6]. Юқоридагилардан ташқари, кадрият борасида, «Кадрият воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-

ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча» деб[7] таърифлаб ўтилган тушунчани ҳам эътиборга олиш муҳимдир.

Халқимизнинг миллий кадриятлари, урф одатлар ҳамда анъаналари қайта тикланиб, у янада ривожлансагина бизнинг жамиятда ўтказилаётган туб ислохотларда муваффақиятга эришилади, бунинг сабаби шундаки, маънан баркамол, маърифатли, жисмонан ва руҳан бардам, замонавий тафаккур қобилиятга эга бўлган инсонгина, истиқлолимиз ва тараққиётимиз йўлини шараф билан босиб ўта олади. Демак, халқимизни маданий меросини, юксак даражадаги маънавий кадриятларини чуқур ҳамда кенг маънода ўрганиш ва уни билиш, ушбу жиҳатларни ёшларнинг онгига сингдириш, уларни маънан етук ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳозирги даврнинг долзарб бўлиб турган муаммоларидан биридир.

Ички ишлар органлари ходимлари миллий, умуминсоний ва ахлоқий кадриятлар уйғунлигини ўрганиш баробарида, кадрият тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти соҳа олимларининг айтиб ўтган фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиш масадга мувофиқдир.

Қадрiatлар ўз моҳияти бўйича қуйидагидан иборат: инсон ва унинг ҳаёти энг олий кадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш бемаънилиқдир. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислохотларнинг барчаси кишилар ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасида ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси - унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган[8].

Шу маънода биз, замонавий ички ишлар органлари ходимлари дунёқарашини юксалтиришда миллий кадриятларнинг уйғунлигига доир масалаларни кўриб чиқамиз.

Х.Қодирова, миллий кадриятлар тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтган: халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги; халқ онгида устувор бўлган фикр-дўст ва яхши кўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш; оила, маҳалла, эл-юрт, Ватан тушунчаларини муқаддас билиш; Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатиш, бутун жамиятни ҳурмат қилиш; миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилига муҳаббат уйғотиш, уни севиш; катталарга ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат-эътибор, деган қоидага амал қилиш; аёл зотига эҳтиром кўрсатиш, яъни, муҳаббат, гўзаллик ва нафосат

тимсоли бўлган аёлни кадрлаш; сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик; ҳалоллик, меҳроқибатни назарда тутати[9].

Бундан ташқари, бир қатор олимлар томонидан ёзилган “Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари” номли китобда Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли тўртта асосий негизга асосланади: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимиз маънавий савиясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсонни ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши; ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик[10], –деб қайд этилгани ҳам айнан миллий қадриятларимиз асосида тарбиявий ва мафкуравий ишларни ички ишлар органлари ходимлари билан олиб боришда кўпроқ қандай йўналишларга эътибор қаратиш ва тарғибот ишларида маҳалла, оила, жамоат, тарбиявий муассасаларнинг ўрнини кучайтириш зарурлигини кўриш мумкин.

Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтихоримиз, миллий руҳимиз. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш – барчамизнинг бурчимиздир. «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар». Миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш – миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Кўп асарлар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан қўшилиб, тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб асраш, уларни кўриқлаш, юксалтириш алоҳида инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, миллий қадрият – миллатнинг асарлар мобайнида яратган маънавий бойликлари, ноёб тарихий обидаларни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш, ривожлантириш, ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳурфикрлилик виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий қадрият сифатида ҳимоя қилишдир. Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Ўз миллий қадриятларининг мазмун-моҳиятини теран англаган, уни эъзозлаган, асраб-авайлаган, ундан фахрлана оладиган киши чинакам халқпарвар, миллатпарвар саналади. Ана шундай кишиларни тарбиялаб, вояга етказиш таълим-тарбия тизимининг, барча зиёлиларнинг муқаддас бурчидир. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли фаолият олиб борилмоқда ва ўтган йиллар ичида маънавий-маърифий ишларнинг самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз тиклангани, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси халқимизга қайтарилгани миллатимиз маънавий-руҳий олами беҳад юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуминсоний кадрият – жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади[11].

Шу ўринда кўни-кўшничилик кадриятини мисол қилиб келтирсак, унда кўшнилар ўртасида ўзаро ишонч, хабар олиш ва моддий ёрдам бериш миллий кадрият сифатида биринчи ўринга қўйилган. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар ҳаётий кадриятларнинг энг муҳим омиллари сифатида келтирилган.

Умуминсоний кадриятлар миллий ва минтақавий кадриятлардан мазмунан чуқур ҳамда кенг бўлиб, у ўзининг умумбашарий аҳамиятини касб этади. Бундан ташқари, у барча миллат ва элатларнинг ҳамда халқларнинг мақсади ва интилишларига мос бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, жаҳондаги биронта халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умуман жаҳон цивилизациясидан мутлақо ажралган, алоҳида маданиятга эга эмас.

Миллатлар бошқа халқларнинг маданий-маънавий ютуқларидан фойдаланмай туриб, ривожлана олмайдилар. Шу сабабли барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиши, тарихи бир-бири билан чамбарчас бўлиб кетган.

Умуминсоний кадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради[12]. Улардан энг асосийлари, бугун дунёда илм ва фанни тараққийлаштириш ва тинчлик таъминлаш, ядровий қуролларнинг пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коинотни ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Кадриятлар жамият тарихий тараққиёти жарёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этган, моддий, маънавий бойликдир.

Кадриятлар ўтмиш билан бугунги кун ҳамда келажакни боғлайдиган восита, шахсни маънавий етук, баркамол қилиб тарбиялайдиган кудратли кучдир;

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари ходимлари билан маънавий ва маърифий, тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш масаласида қўлга киритилган ютуқларимиз қатори ички ишлар органларида ва таълим муассасаларида миллий, умуминсоний кадриятларнинг, анъаналарнинг устуворлигига эришилмоқда.

Юртимиз донишмандларининг қарашларидан маълумки, ҳаётга муносабат, ахлоқийлик, адолатлилик, маънавий изланиш ва комиллик фалсафаси асосига қурилган. Бу фалсафага кўра, бахту саодат ва эзгулик сари интилиши, шу тамойиллар замида ҳаёт кечириши лозим бўлган ягона мавжудот бу инсондир. Чунки унда бошқа жонзотлардан фарқ қиладиган, улардан юксакроқ турадиган борлиқни англаш, тушуниш қобилияти мавжуд. Шарқда шаклланган бой маънавият ва маърифат инсоният тарихининг турли даврларида, турли минтақаларда кескин бурилишга сабаб бўлган тараққиётга пойдевор яратган.

Маънавий баркамол, маърифатли, жисмоний соғлом, ўзининг ҳаётдаги ўрни, бугунини англови инсонларни тарбиялаш умумдавлат аҳамиятидаги вазифа ҳисобланади. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан маънавий ва маърифий масалаларга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Ахлоқий қадрият борасида инсоннинг хатти-ҳаракатлари, ижтимоий муносабаталар, жамият ва давлатни бошқариш, ахлоқ-одоб, инсонпарварлик, эзгулик принципларига, яъни маънавиятга асосланганлигини назарда тутиш ўринлидир.

Ички ишлар органлари ходимлари билан маънавий ва маърифий ишларни юксак даражага кўтаришда, миллий, умуминсоний ҳамда ахлоқий қадриятларнинг аҳамиятини қуйидагича деб инобатга олсак мақсадга мувофиқдир: қадриятларни ижтимоий хусусиятга эгаллигини инобатга олиб, кишиларни амалий фаолиятлари жараёнларида вужудга келади ҳамда ривожланиб боради; миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамият тараққиёти, инсон шахсининг, маданий, маънавий-ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялашда кенг истиқлол йўлини очиб беради; кишиларга хос бўлган ростгўйлик, поклик, инсонпарварлик, ватанпараварлик, каби олийжаноб фазилатларни, ахлоқий нормаларни ва қадриятларни мужасамлаштиради; нарса ва ҳодисаларни инсон онгида яхлит акс эттириш билан бир қаторда у кишиларнинг тафаккурлаш маданиятини, ички маънавий дунёсини шакллантиради, уларни маънавий камол топтиришга ёрдам беради; қадриятлар ҳар бири миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажакдаги ойдиндек кўрсатиб турувчи комил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ватанга садоқат, мустаҳкам ирода, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни босқичма босқич шакллантиради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Тошкент, — Ўзбекистон нашриёти, 2021. 464б. 292-б.
2. Миллий ғоя ва ўзликни англашда қадриятларнинг ўрни. <https://slib.uz>

3. Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-Б.12, 13.
4. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. (А. Жалолов ва Қ.Хонназаров умумий таҳрири остида). – Т; Шарқ, 1998, Б. 279
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. — Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т; 2010. Б. 707.
6. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009.- Б.707.
7. Тарбия энциклопедияси. 2010. —Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Б.509.
8. Умуминсоний қадриятларнинг жамиятимиз маънавий покланишидаги роли <https://uz.denometr.com>
9. Жалолов Ҳ. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2-сон. 2006.Б.13.
10. Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т:—Фалсафа ва ҳуқуқ институти 2009. Б.12
11. Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: —Фалсафа ва ҳуқуқ институти 2009. Б.16.
12. Madaniyatshunoslik.pdf <http://library.ziyonet.uz>